

• БЕКОБОДА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ БАЙРАМИ •



ҚАРДОШЛИК ДАВРАСИДА

СССР халқларининг муштарам биродарлиги айрим миллатларнинг гин-гиллашлари билан ҳеч қачон бўлимайди. Совет кишилари қон кечиб, жон бериб қўлга киритган дўстликларини авайлаб-асрайдилар.

Яқинда Бекободнинг Зафар посёлқасида СССР халқлари дўстлигига бағишланган байрам тантаналари ўтказилди.

Бекободликлар Қирғизистон, Тожикистон вакиллари, қўшни районлардан келган меҳмонларни кучоқ очиб кутиб олдилар. Рус, ўзбек, қозоқ, қорейс, туркман, уйғур, тоjik миллатларига мансуб кишилар — ишлаб чиқариш илгорлари Ленин майдонига тўпландилар. Тинчлик рамзи — қабуларлар кўнка парвоз қилди, қарнай-сурнай садолари илғиради.

Байрам митингининг Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари Ж. Ш. Шарипов кириш нутқи билан очди.

Бекободликлар бир неча йилдан бери Ленинobod областининг Мастчоҳ району меҳнаткашлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. 83 мингдан зиёд аҳолига эга бўлган Мастчоҳда 30 дан ортиқ миллат вакиллари яшаб, меҳнат қиладилар. 1926 йили ташкил этилган Нов районда 80 минг аҳолининг 52 мингини ўзбеклар, 8 мингта қирғиз ва тоjikлар, 4500 нафарини эса руслар ташкил этади. Бу ерда татар, немис, яҳудий миллати вакиллари ҳам ишлаб чиқаришда фаол иштирок этмоқдалар. Нова ҳам, Мастчоҳда ҳам барча тadbирларда Ўзбекистон, Қирғизистон вакиллари қатнашадилар. Мастчоҳ район партия комитетининг биринчи секретари Қ. Тўраев ўз сўзида ана шулар ҳақида гапирди.

Шундан сўнг, Қирғизистон ССР, Лайлак район партия комитетининг секретари Ш. Имомхўжаева, Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР Олий Совети депутати, Пролетар пахта тозалаш заводи инженерини М. Маматқуловлар сўзга чиқиб, ўзбекистонликлар билан ўзаро ҳамкорлик яхши самара бераётганини таъкидлашди. Меҳмонларни Бекобод шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари И. Қўрбонов, Бўна райондаги пахтачилик бригадаси бошлиғи М. Ковалева, уруш ва меҳнат ветерани С. Орифхўжаевлар таъриқладилар.

Митингдан сўнг СССР

халқларининг дўстлигига бағишланган катта байрам тантанаси бошланади. Райондаги «Победа» ва Навоий номидаги кўчалар томондан ташкил этилган «Ўзбекистон», «КПСС XXV съезди» совхозининг «Россия», шунингдек, кўлоҳ ва совхозлар, ташкилотлар, корхоналар томонидан ташкил этилган қрим-татар, турк, қорейс, туркман, қозоқ, уйғур ва бошқа миллатларнинг павильонлари меҳмонлар билан гавжум бўлиб кетади. Павильонлар ҳар бир миллатнинг расм-рўсуми, ўрф-одатларини ва уларнинг энг яхши анъаналарини акс эттирувчи жиҳозлар билан шинам ва кўрнам қилиб безатилган. Шу кўни меҳмон ва меҳмонларга атаб ҳар бир миллат ўз миллий таомини тайёрлади.

Дўстлик байрами Бекобод району меҳнаткашлари билан қардош Тожикистон, Қирғизистон республикалари ва бошқа район меҳнаткашларининг ўзаро муштарам дўстликларини яна бир бор намоён этди.

Т. УСМОНОВ,
А. ҚОДИРОВ,
К. БЕГМОНОВ.

Суратларда: байрам тантаналаридан лавҳалар.
М. НАЗАРОВ суратлари.

АХБОРОТ

«ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ»

«Фан» нашриёти чиқарган икки жилдлик китоб шундай деб аталади. Бундай асарлар тўплами рус тилида ilk марта нашр этилди.

Китобда энг қадимий вақтлардан билинган кўнларнинг асоси бўлган давр қамраб олинган. Китобни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтининг илмий ходимлари нашрде тайёрлаганлар. Китоб саҳифалари ҳақиқий адабий тақдирдан ташқари, даврининг асар яратилиш вақтида мос тусувчи тарихий мўҳити, моддий ва маънавий маданият даражаси ҳақида ёрқин тасаввур пайдо қилади. Икки жилдлик китоб «Умри боқий аъёнлар» боби билан иккинчи миллий адабиётининг ривожланиши ҳар томонлама тақдир этилган, уларга шу кўнинг муаммолари ва вазифалари нукта-назардан ёндашилган.

ФЕСТИВАЛГА ТАКЛИФНОМА

Тошкентнинг «Учку» рок-группаси Польшанинг Катовица шаҳрида бошланган «Металломания-89» халқаро рок-музыка фестивалининг қатнашчиси бўлди. Бундан бир неча ой илгари Силезия жаза клубининг музикачилари Тошкентда бўлишган ва группаларини синхроник билан саралаб, эшитганларидан сўнг «Учку»ни танлаб олган эдилар.

Группанинг иккунд таржима ҳоли 1988 йилда бошланган. Бутун шу давр мобайнида у Тошкентдаги Толибжон Соҳидов номидаги шаҳар маданият уйи ҳузурида ишлаб келмоқда. Польша фестивали якунланган, пластикка чиқарилади, унга Ўзбекистон музикачилари ҳам ўзлари ижро этган қўшиқларни ёзиладилар.

НЕМИС ТИЛИДАН ИМТИҲОН

Ўзбекистон республикаси кўнрок театри артистлари олдидан ташқарини немис тилидан имтиҳон топирадилар. Театр Искандер асари асосида сахналаштирилган «Темирчи ва малика ҳақида эрта» спектакли билан Габриел Германиянинг Линген шаҳрида бўладиган кўнрок театлари халқаро фестивалида республикамиз номиндан қатнашади.

Мазкур спектаклни кўп мамлакатларнинг ёш томошбинлари аллақачон кўрганлар. Эрта кўнрокларни кейси мамлакатда бўлиши, шу мамлакат халқи тилида гапирганлар. Бу гал немис тилини ўрганишда Тошкент дорилфунуни роман-герман филологияси факультетининг ўқитувчиси И. Стрельникова артистларга ёрдам берди.

(ЎЗАГ).

«ЎЗГИ» ВАҚТИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ ТУГАШИ ҲАҚИДА

СССР давлат ягона вақт ва эталон частоталар комиссиясининг хабар қилишича, 1989 йил «Ўзги» вақтининг амал қилиш даври 24 сентябрь кўни тугайди.

Шу мўносabat билан 1989 йил 24 сентябрь кўни соат 3 да Совет Иттифокининг бутун территориясида соатларнинг миллилари 1 соат орқага сўриб қўйлади.

(ТАСС).

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИДА
13, 14 сентябрь соат 17.00 да 19.30 да

КУЛИБ-ТИНГЛАБ, ДАМ ОЛИНГ, ДЎСТЛАР

КАТНАШАДИЛАР:
Қўн шаҳар ақшиқчилари: Иўлдошжон НОСИРОВ
Муҳаббатхон ТОШҲУЛАТОВА, Жўраҳон ПУЛАТОВ,
Ғиёсиддин АБДУРАХМО НОВ:

Фарғона область Ленин комсомолы мукофоти лауреати ШЕРҚЎЗИЕВЛАР ОИЛАВИЙ АНСАМБЛИ
Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзининг «ДИЛШОД» АНСАМБЛИ

6-жаҳон фестивалининг лауреати Отажон РАЖАБОВ.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Мўтабар ИЎЛДОШЕВА, Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ
Ўзбекистон ССР Ленин комсомолы мукофоти лауреати Ғўломқодир ЭРҲАШЕВ.

Санобархон ШОЙКРОМОВА, Абдурауф ЕҚУБОВ, Хотам ҚОСИМОВ, Баҳриддин БЕКМУРОДОВ ва бошқалар.
Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Ансамблларнинг бадий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, бастакор Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Билетлар соат 11.00 дан сотиладди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

16 сентябрь соат 20.00 да
17 сентябрь соат 17.00 ва 20.00 да

ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ «БЕНЕФИС» ТЕАТР
СТУДИЯСИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

КАТНАШАДИЛАР:

«БИС» ШОУ ГРУППАСИ

ОЛЬГА ДОМУШУ, ЕЛЕНА ГАГАРИНА
Бутуниттифок конкурсининг лауреати ГЕННАДИЙ ТКАЧЕНКО.

Бутуниттифок конкурсининг дипломанти ГЕОРГИЙ ПИЦЕЛАУРИ, ВАДИМ КАРЕВ, ДМИТРИЙ ШУШЕИКО.

ПРОГРАММАДА:

«ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА»

Постановкачи режиссёрлар — А. МИРОЧНИК, Б. УВАРОВ.

Театр студиясининг бадий раҳбари — РСФСРда хизмат кўрсатган артист МИХАИЛ БОЯРСКИЙ

Касса соат 10 дан 20.00 гача очик.

Справалар учун телефонлар — 44-29-04, 44-35-91, 44-35-84.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ИЎЛЛАШ МАРКАЗИ



ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИГА:

токалар, фрезерчилар, чарчловчилар, электр пайвандчилар, авто ва электр погрузчик ҳайдовчилари, стропальщиклар, тош йўнувчилар, парничилар иш бажарувчилар, металл ва қўйма қуювчилар, шихтачилар, машинада қўлишлар стерженчилар, оловбардошлар, санаот ускуналари подстанцияларига хизмат кўрсатувчи электр монтерлар, электрчилар, электр двигателларини ўрочилар, тунукасозлар, йўнувчилар, асбобсоз слесарлар, декальшчи слесарлар, санаот ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, металл конструкцияларини йиғиш бўйича механика йиғув ишларини бажарувчи слесарлар, слесарь-сантехниклар (санаот вентиляцияси ва кондицияси, контроль ўлчов асбоблари ва автоматлар ремонтини бўйича); автоматлар ва яриш автоматлар, автомат линиялар ва агрегат станоклар, металл қирқувчи ва пресловчи ускуналар, соатчи программалар билан бошқариладиган станокларнинг электрлик системалари, соатчи программалар билан бошқариладиган станоклар ва станокларнинг маневрловчилар, цехларнинг энергетиклари ва механикларини; цехларнинг инженер-технологлари — бош технолог хизмати, асбобсозлик бўлими, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; бош технолог бўлимларининг инженер-конструкторлари, бош конструктор, бош энергетик, бош металлургия, бош механик, инженер-механиклар, инженер-электриклар, инженер-сантехниклар, инженер-металлургия, инженер-нормаловчилар, аппаратуралар ва алоқа инженерини, контроль ўлчов асбоблари ва автоматлар бўйича инженер, моддий техника таъминоти (вентиляция ускуналари) бўйича инженер.

Меҳнатга вақти-вақти билан раббатлантирибди турадиган ишбай-мукофот тариқасида (бевосита банкарилган иш баҳоланган ҳолда) ҳақ тўланади.

Ишга фақат Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг заводдан 25 км дан олис бўлмаган ерида яшовчи ҳамда пропискада турувчи граждандарларига қабул қилинади.

Завод иккита кам болали оилалар ва битта ёшлар ётоқхоналари, болалар богчасига эга. Юнусовод, Қўйлиқ масивлари, Жумабозор, «М. Горький» метро станцияси ўртасида хизмат автобуслари қатнайди.

Касби бўлмаган кишилар уни заводнинг ўзидан ёки шу соҳанинг ўқувчи корхоналарида (Тула комбайн заводи, Волгодар трактор заводи, Владимир трактор заводи, Барнаул мотор заводи) ўрганиб чиқишлари мўмкин. Ўқиниш 6 ойгача давом этади, пропискиси бўлмаган ёлғиз кишилар 2-3 йилга шартнома тузишлари мўмкин.

Ўқинишга жўборилганлар ётоқхона билан таъминланадилар, вақтинча пропискига ўтказиладилар, уларга ўқиниш еридаги шартнома муддатига кўра 200 сўмгача бир йил ёрдам пули берилади.

Электрончилар, контроль ўлчов асбоблари ва автоматларини соловчилар, механиклар, энергетиклар, технологлар, слесарлар, электриклар, ремонтчилар, автомат линияларининг операторлари ўз малакаларини Москва шаҳридаги Ленин номи (АЗЛК) автомобиль заводи, Запорожье шаҳридаги Мелитополь мотор заводида ошириши имкониятига эгалар. Таълим муддати 3 ойдан 6 ойгача.

Справалар юзасидан қўйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

Тошкент шаҳри, аҳолини ишга жойлаштириш маркази, Космонавтлар проспекти, 6-й (Телефон 56-07-23) на шаҳардаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги аҳолини ишга жойлаштириш район пунктлари ҳамда завод кадрлар бўлими (Телефон 98-48-67).

КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТИ

Тошкент область агросаноат комитети, агросаноат ходимлари касабаси союзлари област комитети, «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталарининг редакциялари Тошкент областининг шахсий ердамли хўжалиги, томоғқа ери бўлган барча меҳнаткашларини, богдорчилик ширкатини аъзоларини янавал эълон қилган кўнрок-конкурс якунига бағишланган кўргазмага иштирок этишга таклиф этади.

Кўргазмага шахсий ердамли хўжаликда ва богдорчилик ширкатлари ер участкаларида етиштирилган

махсулотларнинг намуналари қўйиладди.
Жиори ҳаётияти аъзолари кўргазма қатнашчилари томонидан тавсия этилган махсулотларнинг сифати, хили ва ҳосилдорлигини аниқлайдилар ҳамда мукофотлаш учун кўнрок-конкурс қатнашчилари ғолибларини белгилайдилар.

Кўргазмага қўйилган махсулотларни намоён этиш 1989 йил 22 сентябрь, соат 12.00 да Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг агросаноат комплекси павильонига ташкил этилади.

ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТ.

НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши навбатдаги қабул эртага — 14 сентябрь пайшанба кўни соат 17.00 дан бошлаб ўтказилади.

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Хурматли газетасўлар! 1990 йил газета ва журналлари учун обуна қилиш давом этмоқда. Келаси йил ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мўнтазам олиб туришни истасангиз шу кўнларда унга обуна бўлишни илтимос. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетанинг ОБУНА ВАҲОСИ бир йилга — 7 сўм 68 тиғин, олти ойга — 3 сўм 84 тиғин.

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎ-
ЧАСИ, 32.



Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; санаот, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

